ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ
ҲОКИМИ
ҚАРОРИ

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI
XORAZM VILOYATI
HOKIMI
QARORI

«01» ноябрь 2018 yil — **Урганч ш.**

№ 693к — Нусха №

Хоразм вилояти ҳокимининг 2018 йил 30 январдаги "Хоразм вилоятидаги давлат кўчмас мулкидан фойдаланганлик учун 2018 йилда қўлланиладиган ижара тўловининг энг кам ставкалари ҳақида"ги 57к-сонли қарорига қўшимчалар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 11 сентябрдаги "Ҳудудларда тадбиркорлик ташаббуслари ва лойиҳаларини жадал амалга оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3939-сонли қарорига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 8 апрелдаги "Давлат мулкини ижарага бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 102-сонли қарорига мувофиқ, Хоразм вилоятида тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш бўйича ишчи гуруҳи таклифига ҳамда туризм билан шуғулланаётган тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида

Қарор қиламан:

1. Хоразм вилояти ҳокимининг 2018 йил 30 январидаги "Хоразм вилоятидаги давлат кўчмас мулкидан фойдаланганлик учун 2018 йилда қўлланиладиган ижара тўловининг энг кам ставкалари ҳақида"ги 57к-сонли қарорига иловага мувофиқ қўшимчалар киритилсин.

2018 йилнинг 1 ноябридан Хоразм вилоятида жойлашган моддий маданий мерос объектларида меҳмонхона ва умумий овқатланиш фаолиятларини ташкил қилишда ижара тўлови ставкаларига қўлланиладиган оширувчи коэффициентлар иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарорни "Хоразм ҳақиқати" ва "Хорезмская правда" газеталарида эълон қилинсин.

3. Вилоят ҳокимлигининг ахборот хизмати (Ш.Қарриев) мазкур қарорнинг вилоят ҳокимлигининг xorazm.uz расмий веб-сайтида жойлаштирилишини таъминласин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокими ўринбосари Ш.Туляганов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими
вазифасини бажарувчи — **Ф.Эрманов**

XORAZM VILOYAT ADLIYA BOSHQARMASI KIRIM № 01/09/2 "5" 11 2018 y.